

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН ЭНГ КАМ МИҚДОРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Хайдаров Алишер Акрам ўғли
Банк-молия академияси магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими ҳамда солиқ базасини аниқлашда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорни жорий этиш амалиёти бўйича халқаро тажриба ўрганиб чиқилиб, уни Ўзбекистон Республикасида татбиқ этилиши юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, солиқ ставкалари, минимал истеъмол харажатлари, солиққа тортилмайдиган минимум миқдор

Кириш. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларининг энг асосий манбаларидан бири бўлиб, у умумбелгиланган солиқлар турларига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади. Жисмоний шахснинг жами даромади жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланади. Солиқ базаси эса жами даромаддан қонунчиликда берилган имтиёзларни чегириб ташлашдан кейин қоладиган қолдиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда жисмоний шахслар даромадларига солиқ юкини камайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кўпгина саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мамлакатда солиқларнинг адолатли бўлишини таъминлаш, аҳоли ўртасида камбағаллик даражасини қисқартириш бугунги кунда ҳукуратимиз эътибор қаратаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, илмий доираларда Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солишда солиққа

тортилмайдиган энг кам миқдорини белгилаш амалиётини жорий этиш бўйича кўплаб муҳокамалар учраб турибди.

Адабиётлар шарҳи. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар иқтисодий адабиётларда ҳамда илмий ишларда ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Хусусан, маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Адизовнинг илмий изланишлари жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштиришга, О.Абдурахмонов эса жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш ва солиққа тортиш самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган. И.Юлдашев, М.Усманова, А.Бозоровлар тадқиқотларида эса аҳоли даромадларини декларация усулида солиққа тортишнинг афзаллик жиҳатлари, солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини республикада жорий этиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ўрганишга қаратилганлиги ҳолда, мазкур тадқиқотларда ҳам жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш, ягона ставкани жорий этиш, солиққа тортилмайдиган минимумни белгилаш, ижтимоий харажатларни чегириш каби таклифлар келтириб ўтилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий манбалар, амалий материаллар ва мавжуд норматив ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор жорий этилганлиги бўйича халқаро иқтисодий ташкилотлар, аудиторлик ташкилотлари, шунингдек жорижий мамлакатларнинг солиқ ва молия органларидаги мавжуд маълумотлардан таҳлил жараёнида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон миқёсида жисмоний шахснинг даромадлари асосан ягона белгиланган ставка ҳамда прогрессив шкала бўйича солиққа тортилади. Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари орасида Озарбайжондан бошқа қолган барча давлатларда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш **ягона ставка** асосида амалга оширилади. Қуйида келтириб ўтиладиган

диаграмма орқали ушбу минтақада солиқ ставкаларини бир-бири билан таққослаб кўришимиз мумкин:



1-расм. Марказий Осиё ва Кавказ давлатларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Бироқ, хориж тажрибасига янада чуқурроқ қарасак, PWC аудиторлик компанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан амалга оширилган мустақил таҳлиллар натижасида дунё бўйича 155 та давлат тажрибаси ўрганилганда, 147 та давлатда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими мавжудлиги, 8 та давлатда эса жисмоний шахслар даромадлари солиққа тортилмаслиги маълум бўлди. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими мавжуд бўлган 147 та давлатдан 122 тасида шкала бўйича, 25 та давлатда эса ягона солиқ ставкаси асосида солиқ ундириш амалиёти мавжудлиги аниқланди. Жами 64 та давлатда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси шкала асосида солиқ солинадиган давлатларда амалиётда қўлланилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, солиққа тортилмайдиган энг кам миқдордаги иш ҳақи асосан шкала бўйича солиққа тортиладиган давлатларга тегишли. Ягона солиқ ставкаси бўйича солиқ ундириладиган давлатларда эса айрим ижтимоий хизматлар учун маълум бир миқдордаги тўловларга солиқ чегирмалари (имтиёзлари) мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистонда ҳам ипотека, таълим кредитлари, олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун контракт тўловлари, фарзандини хусусий мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш ва бошқа шу каби тўловлар учун йўналтирилган маблағларнинг қонунда белгиланган маълум миқдорлари даромад солиғидан озод этилган.

Хулоса ва таклифлар. Хориж тажрибаси солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорни ягона солиқ ставкаси амал қилган ҳолда қўлланишини инкор этиб турган бўлсада, қуйидаги сабабларга кўра солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш тарафдоримиз.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги конституциясида “Ўзбекистон-ижтимоий давлат” деган тамойил конституциявий қоида сифатида муҳрлаб кўйилди. Конституциянинг 42-моддасига кўра ҳар ким меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади эканлиги. 43-моддада эса давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши белгилаб кўйилган.

Жаҳон тажрибасида минимал истеъмол харажатларидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган усул ҳисобланади. Минимал истеъмол харажатлари уй хўжалиқларининг реал истеъмол қийматлари ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун минимал харажатларнинг ҳисобланган қиймати ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси қарори бўйича минимал истеъмол харажатларидан камбағаллик мезони ёки чегараси сифатида фойдаланилади. Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этиш жараёнида

қўлланадиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилади. Ўзбекистонда камбағаллик чегарасини аниқлаш мақсадида фойдаланиладиган кўрсаткич 9,3 фоизга ошиши натижасида 2024 йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари қиймати бир ойда жон бошига 621,0 минг сўмни ташкил этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда аҳоли даромадларини солиққа тортишда базавий ҳисоблаш миқдори ёки меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорини эмас айнан камбағаллик чегараси ҳисобланган миқдорни чегириб ташлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижасида биринчидан иш берувчилар ва ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондини оширишга интилса, иккинчидан давлат томонидан аҳолини конституцияда белгиланганидек ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган чора-тадбир бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғ.У.Рўзиев. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш масалалари. Мақола.-Т.: “Иқтисодиёт ва таълим”, 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/6445145>
3. <https://www.taxsummaries.pwc.com>. PWC халқаро аудиторлик компанияси расмий веб-сайти.
4. <https://www.stat.uz>. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий веб-сайти.
5. <https://www.imf.org>. Халқаро валюта жамғармаси расмий веб-сайти.
6. <https://www.data.worldbank.org>. Жаҳон банки маълумотлар базаси.